

**ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА**  
**СИНОСАН А**  
**(SINOSAN® А)**

**Савдо номи:** СИНОСАН А (SINOSAN® А)

**Дори шакли:** таблеткалар

**Халқаро патентланмаган номи:** йўк

**Таркиби**

1 таблетка (250 мг) қуйидагиларни саклайди:

*таъсир этувчи моддалар:* Cinnabaris trit. D3 - 25 мг, Echinacea trit. D1 - 25 мг, Hydrastis trit. D3 - 25 мг, Kalium bichromicum trit. D3 - 25 мг;

*ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, магний стеарати, бугдой крахмали.

**Таърифи**

Оқ ёки деярли оқ, ясси цилиндрик шакли, фаскали таблеткалар, бироз доғларни бўлишига йўл қўйилади.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Гомеопатик дори воситаси.

**Фармакологик хусусиятлари**

Гомеопатик даволаш касалликни тушуниш маъносида ва дори воситаларини қўлланишида анъанавий тиббиётдан аҳамиятли фарқ қилади. Гомеопатик воситалар организмнинг химоя механизмларини рағбарлантиради ва шу тарзда ўзини-ўзи тиклаш қобилиятини фаоллаштиради. Гомеопатик воситаларга организмнинг реакцияси жуда шахсий. Шу сабабларга кўра доза-специфик фармакологик самаралар, фармакодинамик ёки фармакокинетик маълумотларни аниқлашнинг имконияти йўк.

**Қўлланилиши**

Ўткир ва сурункали риносинуситда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Фаол моддаларнинг бирортасига ёки препаратнинг ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанликда ёки мураккаб рангли оила аъзоларида.

2 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

**Махсус кўрсатмалар ва эҳтиёткорлик чоралари**

Агар Сизнинг шифокорингиз Сизда айрим қандларни ўзлаштираолмаслик ҳақида огохлантирган бўлса, Синосан А препаратини қабул қилишни бошлашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашинг.

Препаратни жадаллашиб боровчи тизимли касалликларда (сил, саркоидоз), қоннинг тизимли касалликлари (лейкемия ва лейкоз), аутоиммун касалликлар (масалан коллаген тўқиманинг яллиғланиш касалликлари (коллагенозлар), тарқоқ склероз), иммун танқислиги (ОИТС, ОИВ-инфекцияси), ҳолсизланиш ҳолатларида (масалан аъзо ва суяк кўмигини кўчириб ўтказиш, химиятерапия) қўллаш тавсия этилмайди.

Эхинацея сакловчи дориларни қабул қилгандан сўнг тери тошмаси, қичишиш ва кам ҳолларда юзни шиши, хансираш, бош айланиши ва артериал босимни тушиши кузатилган.

Препаратнинг таркибида эхинацея сақланганлиги учун атопияси бўлган пациентларда аллергия реакцияларнинг юкори хавфи мавжуд.

Эхинацея сақловчи дориларни қўллаш якка ҳолларда аутоиммун касалликларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Эхинацея сақловчи дориларни узок муддат қўлланганда (8 хафтадан кўп) якка ҳолларда лейкоцитлар сонини камайиши кузатилган.

Препарат лактоза ва бугдой крахмалини сақлайди. Галактозани ўзлаштираолмасликнинг кам наслий муаммолари, Лаппа лактаза танкислиги ёки глюкоза-галактозани кам сўрилиши каби бўлган пациентлар ушбу дори воситасини қабул қилишлари мумкин эмас.

Бугдой крахмали глютен сақлаши мумкин, бирок жуда кам миқдорларда ва шунинг учун целиакияси бўлган инсонлар учун хавфсиз ҳисобланиши мумкин. Бугдойга аллергияси бўлган пациентлар (целиакиядан фарк қилади) ушбу дори препаратини қабул қилишлари мумкин эмас.

Агар куйидаги симптомлар пайдо бўлса:

- юзни шиши, иссиқлик ва кучли бош оғриғи;
- даволашнинг биринчи 2 куни давомида ўткир ҳолат яхшиланмаса ёки ёмонлашса;
- агар қўшимча шикоятлар пайдо бўлса шифокорнинг маслаҳати талаб этилади.

### **Ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида қўлланилиши**

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш вақтида фақат фойда ва хавф нисбати баҳосини ҳисобга олиб қўллаш мумкин.

Пациентларга ушбу дори воситасини қўллашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

### **Транспорт воситалари ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Таъсир этмайди.

### **Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Номаълум. Бошқа ҳар қандай дори воситаларини бир вақтда қўллашнинг зарурати бўлиши ҳолатида шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

*Эслатма:* гомеопатик дори препаратларининг таъсирига чекиш ва алкогольни истеъмол қилиш каби ҳаётнинг ёмон одатлари салбий таъсир этиши мумкин.

### **Дозалаш тартиби ва қўллаш усули**

Доимо ушбу тиббиётда қўлланишига доир йўриқномага ёки ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевтнинг кўрсатмаларига риоя қилинг. Агар сиз препаратни тўғри қабул қилаётганингизга ишонч ҳосил қилмасангиз ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

#### Дозалаш тартиби:

Катталар: ўткир ҳолатларда 1 таблеткадан соғайиш кузатилгунгача ҳар соатда қабул қилинади (кунига 12 таблеткагача). Кейинги даволаниш учун 1-2 таблеткадан кунига 3 марта.

#### Болалар

2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар: ўткир ҳолатларда соғайиш кузатилгунгача 1 таблеткадан кунига 3 марта. Кейинги даволаниш учун 1 таблеткадан кунига 3 марта.

6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар: ўткир ҳолатларда соғайиш кузатилгунгача 1 таблеткадан ҳар икки соатда (кунига максимум 6 таблеткагача). Кейинги даволаниш учун 1 таблеткадан кунига 3 марта.

12 ёш ва ундан катта болалар: ўткир ҳолатларда соғайиш кузатилгунгача 1 таблеткадан ҳар соатда (кунига максимум 12 таблеткагача). Кейинги даволаниш учун 1-2 таблеткадан кунига 3 марта.

*Сурункали ҳолатларда* болалар ва катталарга 1 таблеткадан кунига 3 марта. Даволанишни 4 дан 6 хафтагача давом эттириш мумкин.

Синосан А препаратини шифокор билан маслаҳатлашмасдан 4 haftaдан ортик қабул қилиш тавсия этилмайди.

#### Қўллаш усули

Таблеткани овқатдан ярим соат олдин ёки ярим соат кейин, оғизда секин эритиб қабул қилиш керак.

Кичик болаларга таблеткаларни кўп бўлмаган миқдордаги сувда (масалан, чой қошиқда) эритиш тавсия этилади.

#### **Ножўя реакциялари**

Жуда кам ҳолларда ( $<1/10000$ ) ёки тез-тезлиги номаълум (мавжуд маълумотлар асосида баҳолашнинг иложи йўқ):

Синосан А препаратини қабул қилгандан сўнг ўта юқори сезувчанлик реакциялари, масалан тери тошмалари ва меъда-ичак бузилишлари кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва мувофиқ даволаш чораларини қўллаш лозим.

Агар сўлакни кўп ажралиши кузатилса, дозалаш камайтирилиши ёки даволаниш тўхтатилиши керак.

Ҳар қандай ножўя реакциялар пайдо бўлса препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

*Эслатма:* гомеопатик препаратларни қабул қилиш вақтида мавжуд бўлган шикоятлар вақтинчалик ёмонлашиши мумкин (бошлангич гомеопатик зўриқиш). Бундай ҳолларда пациентларга препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Аниқланмаган.

#### **Ўрами**

20 таблетка блистерда. 3 блистер тиббиётда қўлланишига доир йўриқнома билан бирга ўрамда.

#### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилик муддати**

5 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

#### **Ишлаб чиқарувчи**

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ.,  
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,  
Германия

#### **Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси**

Альпен Фарма ГмбХ  
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,  
Германия

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

“France Pharma” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Навнихол кўч. 86

Тел.: +99871 2309193

E-mail: [infopharmaff@gmail.com](mailto:infopharmaff@gmail.com)